



## FARG'ONA VILOYATI QO'SHTEPA TUMAN HOKIMINING QARORI

190 -son

"26" mart 2021 yil

**Солижонобод Махмуд массиви худудида пахта-ғаллачилик йўналишида фаолият кўрсатиб келаётган «MUXAMMADUMAR KELAJAK SARI» номли фермер хўжалигини ер участкасини бир қисмини туман захирасига қайтариш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6-моддасига асосан туманда ер муносабатларини тартибга солиш мақсадида, Солижонобод Махмуд массиви худудида пахта-ғаллачилик йўналишида фаолият кўрсатиб келаётган «MUXAMMADUMAR KELAJAK SARI» номли фермер хўжалиги раҳбари М.Мамасолиевнинг ёзган аризаси, туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосаси ҳамда «Ер кодекси»нинг 36-моддасини 1-бандига ва Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига асосан

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Солижонобод Махмуд массиви худудида пахта-ғаллачилик йўналишида фаолият кўрсатиб келаётган «MUXAMMADUMAR KELAJAK SARI» номли фермер хўжалигига қарашли умумий майдони 177,56 гектар, шундан, 120,48 гектар экин ери, 36,8 гектар яйлов, 0,01 гектар ихота дарахтзорлар, 0,09 гектар теракзорлар, 2,60 гектар мелиоратив қурилиш холатидаги ерлар, 1,25 гектар йўллар, 8,43 гектар ариқ ва зовурлар, 1,01 гектар сунъий кўллар, 0,65 гектар ижтимоий ховли, 6,33 гектар бошқа ер майдонларидан 454, 455, 456, 457, 458, 460, 461, 462, 463, 464, 465, 471, 472-контурлардаги жами ер майдони 45,3 гектар ер майдони, шундан, 8,77 гектар экин майдони, 31,34 гектар яйловлар, 0,6 гектар йўллар, 0,95 гектар ариқ ва зовурлар, 3,65 гектар бошқа ер майдонини фермер хўжалиги раҳбарининг туман захирасига қайтариш ҳақидаги аризаси ҳамда туман комиссиясининг хулосасига асосан қисман туман захирасига қайтарилсин.

2. Кадастр агентлиги Қўштепа туман бўлими (Р.Ахмадалиев)га:

-«MUXAMMADUMAR KELAJAK SARI» фермер хўжалиги ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш;

-Туман ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасида умумий майдони 132,25 гектар, шундан экин майдони 111,71 гектар, 5,46 гектар яйловлар, 0,01 гектар ихота дарахтзорлари, 0,09 гектар теракзорлар, 2,6 гектар мелиоратив қурилиш холатидаги ерлар, 0,65 гектар йўллар, 7,48 гектар ариқ ва зовурлар,

1,01 гектар сунъий кўллар, 0,65 гектар ижтимоий ховли кўча, 2,68 гектар бошқа ер майдонлари учун узоқ муддатли ижара шартномасини амал қилиш муддатини қайта расмийлаштириш вазифаси топширилсин.

3. Туман Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, туман Давлат солиқ инспекцияси, суғурта компаниялари, туман “Агрокимёхимоя”, туман статистика бўлими, тижорат банклари ва тумандаги тегишли хизмат кўрсатувчи ташкилотларга ушбу қарорни маълумот ва ижро учун юборилсин.

4. Ушбу қарор тасдиғи Халқ Депутатлари туман Кенгашидан сўралсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиб бориш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ф.Ўринов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



И.Новиков